

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИЛАРИНИНГ
БҮЛЛАЖАК ҲОСИЛИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ОРҚАЛИ КУРИЛАДИГАН ЗАРАРНИ
ҚОПЛАШ-МОЛИЯВИЙ ДАРОМАТ АСОСИ**

Абдулладжанов Жасурбек Нурматович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармонига асосан 2024 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан пахта хом ашёсини етишириш харажатларини тижорат банклари орқали Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириш тартиби жорий қилинди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етишириш ва пахта йигим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори ишлаб чиқилди. Қарор билан “Пахта хом ашёсини етишириш ва пахта йигим-терими харажатларини ҳамда пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида хозирги кунга келиб, табиат инжиқликлари натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари катта миқдорда зарар куришига сабаб бўлмоқда. Биргина мисол, 2022-йил Жиззах вилоятининг Ш.Рашидов туманидаги бир қатор фермер хўжаликларининг пахта майдонини дўл уриши натижасида жиддий талофат қурди ва катта миқдорда молиявий йўқотишларга учради. Бу каби мисолларни республикамиз миқёсида салмоқлича келтирса бўлади. Уларнинг қўлами эса тобора кенгаймоқда. Буларни олдини олиш учун айнан экинларни суғурталаш механизмини ишлаб чиқиши, хозирги давр талаб этмоқда. Чунончи, бундай тажрибалар ривожланган мамлакатларда аллақачон жорий этиб улгурилган.

Юқоридаги Низомнинг 13-бандига асосан фермер хўжаликлари Пахта хом ашёсини етишириш учун оладиган кредитлари таъминоти сифатида қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига суғурта қилинганлиги ёки қарз олувчининг бўлажак ҳосили суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 20-бандига асосан Агар кредит ажратишида таъминот сифатида суғурта полиси қабул қилинганда, тижорат банки тегишли суғурта ташкилотлари билан биргаликда Жамғарманинг кредит ресурслари ҳисобидан ажратилган кредитларни ҳар ойда камида бир маротаба жойига чиқсан ҳолда мониторинг, шунингдек, доимий масофавий мониторинг қиласи. Бунда масофавий мониторингни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Агроплатформа» АТни белгиланган тартибда сунъий йўлдошга (учувчисиз учадиган аппаратларга) интеграция қилиш орқали тижорат банклари ва суғурта ташкилотларига кўмаклашади ҳамда тижорат банки тегишли суғурта ташкилотлари билан биргаликда ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар кредит мониторинги натижалари бўйича маълумотларни «Агроплатформа» АТга жойлаштириб боради.

Ушбу Низом тасдиқланиб, амалиётга жорий этилиши билан ижтимоий тармоқларда фермер хўжаликлари томонидан сұғурта хақида кўплаб саволлар юзага келаётганлиги кузатилмоқда. Ушбу саволларга қисман жавоб бериш мақсадида фермер хўжаликларига “Кредитни қайтармаслик хатарининг тижорат банки фойдасига сұғурта қилиш” ва “Бўлажак ҳосилни сұғурта қилиш” сұғурта турлари ва ушбу сұғурта турларини афзалликлари хақида маълумот бермоқчимиз.

КРЕДИТНИ ҚАЙТАРМАСЛИК ХАТАРИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКИ ФОЙДАСИГА СУҒУРТА ҚИЛИШ

Ушбу сұғурта тури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли Қарорига асосан қўйидагича баён қилинган:

14-клас - Кредитларни сұғурта қилиш. Сұғурта қилдирувчининг дебитори ночорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг сұғурта қилдирувчи олдидағи қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (ночорликдан ташқари) натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта туридир.

Сұғурта обьекти - Қарз олувчи томонидан олинган кредитнинг гаров ёки бошқа таъминот билан таъминланмаган қисмини сўндириш бўйича мажбуриятлари бажармаслиги оқибатида Сұғурта қилдирувчининг кредит шартномаси бўйича юзага келган заарлари билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади.

Ушбу класс бўйича сұғурта маҳсулотлари асосан қўйидаги икки турга бўлиб ишлаб чиқлади:

1. Қарз олувчини ночорлиги (банкротлик) сабаб ажратилган кредитни қайтара олмаслиги натижасида сұғурта қилдирувчи (Тижорат банки) зарар кўрганда, сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта тури.

Ушбу сұғурта турида Тижорат банки Сұғурта қилдирувчи ҳисобланади ва сұғурта мукофотини тўлаши лозим;

2. Тижорат Банки томонидан қарз олувчига берилган қарзларни (кредитларни) қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (қарз олувчининг банкротлигидан ташқари) натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўрганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта тури.

Ушбу сұғурта турида Тижорат банки Сұғурта қилдирувчи ҳисобланади ва сұғурта мукофотини тўлаши лозим;

Агар Сұғурталовчи томонидан Сұғурта қилдирувчига (Тижорат банкига) сұғурта қопламаси (тўланмаган кредит қиймати) тўлаб берилса, тўланган қоплама миқдорида етказилган заарлар учун жавобгар шахсга (қарз олувчига) нисбатан қопланган зарар миқдорида даъво қилиш ҳукуки Сұғурталовчига ўтади. Бу ҳолда Сұғурта ташкилоти тижорат банкига тўлаб берилган сұғурта қопламасини қарз олувчидан ундириб олади.

БЎЛАЖАК ҲОСИЛНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ

Ушбу сұғурта тури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли Қарорига асосан қўйидагича баён қилинган:

16-класс - Бошқа молиявий таваккалчиликлардан сұғурта қилиш. Қуйидаги ҳолларда:

- а) сұғурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки сұғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўлами камайиши натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўргандা;
- б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида сұғурта қилдирувчи зарар кўргандан (17-классда кўрсатилгандан ташқари);
- в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда сұғурта қопламаси тўланишини таъминловчи сұғурта турлари мажмуи.

Сұғурта обьекти - Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг бўлғуси ҳосилини қисман ёки бутунлай нобуд бўлиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари ҳисобланади.

Ушбу класс бўйича сұғурта маҳсулотлари асосан қуйидаги икки турга бўлиб ишлаб чиқилади:

1. Экилган уругни сұғурта шартномасида кўрсатилган таваккалчиликлар натижасида унуб чиқмаслигидан сұғурталаш тури.
2. Унуб чиққан ҳосилни Сұғурта шартномасида кўрсатилган таваккалчиликлар натижасида қисман ёки бутунлай нобуд бўлишидан сұғурталаш тури. Бунда қуйдагилар сұғурта таваккалчилиги ҳисобланиши мумкин:
 - а) қурғоқчилик, ёнғин, бўрон, дўл, кучли ёмғир (жала), гармсел, қор ёғиши, қорасовук, сув тошқини, яшин уриши, учувчи аппаратлари ва/ёки уларнинг қолдиқларининг тушиши;
 - б) зааркунанда хашоратлар ва/ёки касалликлар тарқashi.
- в) учинчи шахслар томонидан сұғурта қилинган экинлар ва/ёки уларнинг ҳосили вегитация даврида қасдан йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши.

Ушбу сұғурта турида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари Сұғурта қилдирувчи ҳисобланади ва сұғурта мукофотини тўлаши лозим;

Агар сұғурта шартномаси тижорат банки томонидан ажратиладиган кредит таъминоти сифатида қабул қилинса Наф олувчи ва сұғурта қопламасини олувчи тижорат банки ҳисобланади.

Бўлажак ҳосилни сұғурта қилишнинг асосий принциплари қуйдагилардан иборат:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг мулкий манфаатларига тўлиқ сұғурта химояси тақдим этиш;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари тасдиқланган бизнес режага (Агротехкарта) амал қилишларини доимий назорат қилиш;

Соҳага илм фан янгиликларини тадбиқ қилишни рағбатлантириш ва бу орқали келажакда бўлиши эҳтимоли юқори бўлган таваккалчиликларни олдини олиш;

Етиштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштиришда қарз берувчилар учун гаров таъминоти;

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги 680-сонли Қарори билан тасдиқланган “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йигим-терими харажатларини ҳамда пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисида”ги Низомнинг 20-банди фақатгина Бўлажак хосилни суғурталашга тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг бўлажак хосилини суғурта қилиш бу нафақат кутилаётган ҳавфдан ҳимоя балки, маҳсулот етиштирувчилар учун кутилиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни минималлаштириш ва даромад олишнинг асосидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2023 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сонли Фармони (<https://lex.uz/en/docs/6692968>).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.12.2023 йилдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йигим-терими харажатларини кредитлаш ҳамда уларни реализация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 680-сонли Қарори (<https://lex.uz/uz/docs/6705749>).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли Қарори (<https://lex.uz/docs/5870213>).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” 730-сонли Қонуни (<https://lex.uz/docs/5739117>).
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (<https://lex.uz/docs/111189>).